

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг ягона электрон мултилистинг тизимини яратиш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини (ID-18734) кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

### **1. Қарор лойиҳаси бўйича.**

Ўзбекистон Республикаси “Риэлторлик фаолияти тўғрисидаги”ги Қонунининг 3-моддасига асосан риэлторлик фаолияти риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан бериладиган риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ҳамда ўз фаолияти йўналишларини, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишда танлашга ҳақли.

Ушбу Қонуннинг 34-моддасига асосан давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг амалга ошираётган фаолиятига аралаштишга ҳақли эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига битимлар тузиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354-моддасига асосан фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади.

Юқоридагиларга асосан, қарор лойиҳасининг **7 ва 8-бандларини чиқариб ташлаш лозим.**

Қарор лойиҳасининг 9-бандида ЯЭМТга уланиш ва ундан фойдаланиш учун тўланадиган бир маротабалиги ва даврий тўловлар, кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги маълумотни жойлаштирилганлик учун тўловлар, шунингдек қонун билан тақиқланмаган бошқа даромадларни олиш ЯЭМТ оператори томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 30 мартдаги 249-сон қарори талабларига асосан нархларни давлат томонидан тартибга солиш (декларация қилиш, тасдиқлаш, қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ўрнатиш, тартибга солувчи коэффициент, устама ва

рентабелликнинг чегараланган даражаси ва нархни тартибга солишнинг бошқа усуллари) фақат:

– мазкур қарорнинг 2-иловасида келтирилган товарларга (хизматларга);

– табиий монополия шароитларида ишлаб чиқариладиган товарларга (кўрсатиладиган хизматларга);

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида нархларини (тарифларини) тартибга солиш назарда тутилган товарларга (хизматларга) нисбатан амалга оширилади.

Шунга асосан, қарор лойиҳасининг **9-бандидан “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда” сўзларини чиқариб ташлаш зарур.**

Шу билан бирга, риэлторлик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларнинг молиявий сарф-харажатларини кўпайишига ва натижасида кўрсатаётган хизмати нархини ошишига олиб келмаслиги учун ушбу бандни ҳамда Низомнинг матнида йиғимлар билан боғлиқ бўлган нормаларда фақат:

**1. Хужжатларни кўриб чиқиш ва ЯЭМТга уланиш учун йиғим;**

**2. ЯЭМТдан фойдаланиш учун йиғим (даврий тўлов)ни қолдириш лозим.**

Шундан келиб чиқиб, мазкур Низомнинг иловасидаги схемасига **йиғимлар билан боғлиқ нормаларни ўзгартириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**

### **II. Низом лойиҳаси бўйича.**

1. Низомнинг 10-бандида оператор фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш учун Кузатув кенгаши тузилиши ва Кузатув кенгаши Агентлик ходимлари орасидан сайланиши ва Агентлик томонидан тасдиқланиши белгиланмоқда.

Низомнинг 3-бандида “Оператор” тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан тузилган давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим асосида ЯЭМТнинг самарали ишлашини таъминлайдиган дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, шунингдек, ЯЭМТнинг таркибий қисмларини 10 йил давомида оператив бошқаришни амалга оширадиган корхона ёки корхоналар гуруҳи (консорциум) таърифи берилган.

Маълумки, оператор тегишли шартнома асосида ўз хизматини кўрсатадиган мустақил корхона ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг талабларига кўра, жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан акциядорлар томонидан бир йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг талабларига асосан агар жамиятнинг уставида жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органини

(бошқаруви, дирекцияси ва бошқаларни) тузиш назарда тутилган бўлса, бундай орган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан жамият уставида белгиланган миқдорда ва муддатга сайланади.

Шунга кўра, Низомнинг **10, 11-бандларини, 56-бандидаги “ва Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади” сўзларини ва 58-бандидаги “ва улар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади” сўзларини чиқариб ташлаш лозим ҳисобланади.**

2. Низомнинг 52-бандида тўлиқ бўлмаган ҳужжатлар тўплами ёки ёлгон маълумотлар тақдим этилган тақдирда, оператор ЯЭМТга уланишни рад этишга ҳақлилиги ва уланиш рад этилган тақдирда уланиш тўлови қайтариб берилмаслиги кўрсатилган.

Мазкур Низомнинг 53-бандида ЯЭМТга уланиш учун ҳужжатлар тўпламини қайта топширганда риэлторлик ташкилоти ёки нотариус уланиш учун тўловни тўлиқ тўлаши кераклиги кўрсатилган.

Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари талабларидан келиб чиқиб ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада кенг шарт-шароитларни яратиш мақсадида **риэлторлик ташкилоти ёки нотариус томонидан ЯЭМТга уланиш учун топширилган ҳужжатлар тўпламида камчиликлар аниқланган тақдирда ушбу камчиликларни аниқ белгиланган муддатда бартараф этиш ва қайта топширганда такроран кўриб чиқилганлиги ва тизимга уланганлиги учун йиғимларни Оператор томонидан ўндирилмаслигини назарда тутувчи тегишли банд билан тўлдириш лозим.**

### **III. Умумий хулоса.**

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 12-моддаси талабларига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузишда устунлик бериш, айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга кўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Товар ёки молия бозорининг нормал фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатларига, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклашга ёки уларни бозордан четлатишга олиб келадиган келишиб олинган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Қарор лойиҳасида кўзда тутилган Ўзбекистон Республикасининг Ягона электрон мултилистинг тизимининг ягона оператори ташкил этилиши ҳамда ушбу товар ва хизматлар бозорида сунъий монополия корхонасини яратилиши, фақат ушбу ягона операторнинг 10 йил давомида мазкур бозорда фаолият юритиши, риэлтор ташкилотларнинг лицензия асосида фаолият юритишига қарамасдан ушбу тизимга мажбурий тарзда уланиши ва

уланмаган тақдирда фаолияти ноқонуний ҳисобланиши юқорида кўрсатилган қонунчилик ҳужжатлари талабларига зид эканлигини инобатга олиб, **қарор лойиҳасини ушбу таҳрирда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас.**

Шунингдек, қарор лойиҳасида лицензияловчи орган миллий мультилистинг тизимлари яратилишига умумий талаблар ўрнатган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини камситмасдан, исталган юридик шахс томонидан ташкил этилиши мумкинлиги, риэлторлик ташкилотларини ушбу тизимларга ихтиёрий равишда уланиши қоидаларини жорий этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.